ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.29.08.2017.S.01.08. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

МУЙДИНОВ ДИЛШОД НАЖМИДДИНОВИЧ

ҲОЗИРГИ ЗАМОН МИГРАЦИОН ЖАРАЁНЛАРНИНГ ЖАМИЯТ БАРҚАРОРЛИГИГА ТАЪСИРИ (ГЕРМАНИЯ ФЕДЕРАТИВ РЕСПУБЛИКАСИ МИСОЛИДА)

23.00.02 – Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар

СИЁСИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2019

УДК: 325.11:327(584.4)ГФР

Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по политическим наукам

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on political sciences

Муйдинов Дилшод Нажмиддинович
Ҳозирги замон миграцион жараёнларнинг жамият барқарорлигига таъсири (Германия Федератив Республикаси мисолида)..... 3

Муйдинов Дилшод Нажмиддинович
Влияние современных миграционных процессов на стабильность общества (на примере Федеративной Республики Германии)..... 21

Muydinov Dilshod Najmiddinovich
Modern migration processes and their impact on the stability of society (in case of the Federal Republic of Germany)..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of publications..... 44

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.29.08.2017.S.01.08. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

МУЙДИНОВ ДИЛШОД НАЖМИДДИНОВИЧ

ҲОЗИРГИ ЗАМОН МИГРАЦИОН ЖАРАЁНЛАРНИНГ ЖАМИЯТ БАРҚАРОРЛИГИГА ТАЪСИРИ (ГЕРМАНИЯ ФЕДЕРАТИВ РЕСПУБЛИКАСИ МИСОЛИДА)

23.00.02 – Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар

СИЁСИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2019

Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.PhD/Ss74 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (http://nuu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталига (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Пахрутдинов Шукритдин Ильясович** сиёсий фанлар доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Самаров Рустамжон Садриддинович** фалсафа фанлари доктори, профессор
	Муҳаммадсиддиқов Муҳаммадолим Муҳамматрозиқ ўғли сиёсий фанлар доктори
Етакчи ташкилот:	**Тошкент давлат педагогика университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.29.08.2017.S.01.08 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «_____» май соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100192, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-қават, 511-хона. Тел.: (99871) 246-02-24; факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz)

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (_____ рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100192, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎзМУ Маъмурий биноси, 2-қават, 4-хона. Тел.: (99871) 246-02-24; факс: (99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2019 йил «____»_____да тарқатилди.
(2019 йил «____» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

Б.Т.Тўйчиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси муовини, ф.ф.д., профессор

О.Р.Мусаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, ф.ф.д., проф.в.б.

Б.Т.Тўйчиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. XXI асрга келиб миграция ҳодисаси дунё сиёсий ландшафтининг ўзгариб кетишига сабаб бўлаётган энг йирик глобал муаммолар қаторидан ўрин эгаллади. Зеро, миграцияга сабаб бўлувчи манбалар орасида сиёсий омилнинг мавқеи мисли кўрилмаган даражада ортиб бормоқда. Айни пайтда, глобаллашув таҳдидларининг таъсири туфайли миграция жараёнлари моҳиятан мураккаблашмоқда ва ўта зиддиятли тус олмоқда. Сўнгги йилларда ривожланган давлатларда миграция муаммосини ҳал қилиш учун иқтисодий ва сиёсий чора-тадбирлар кўрилаётгани ҳақидаги далиллар миграция борасидаги замонавий ёндашувлар, концепцияларни қиёсий таҳлил этиш, глобаллашув турли таъсирларини кучайиши шароитида рўй бераётган миграция ҳодисасидаги етакчи тенденцияларни асослашга алоҳида эътибор қаратиш зарурати мавжудлигидан далолат беради.

Бугунги кунда дунёнинг етакчи илмий марказлари томонидан халқаро миграцияни асосан позитив роль ўйновчи ҳодисага айлантириб юборилишига хизмат қилувчи етакчи сиёсий омилларни аниқлаш ва амалиётга жорий қилишнинг институционал заминини яратишда давлатлараро ҳамкорликни кучайтиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Шунингдек, дунёнинг кўпгина мамлакатларида миграция жараёнларининг жамиятнинг сиёсий-ижтимоий барқарорлигига таъсири ҳамда бу борадаги халқаро ва хорижий давлатларнинг тажрибасини ўрганишга ихтисослашган марказлар ташкил этилган. Жумладан, ҳозирги кунда The Center for Migration Studies of New York (CMS), The Global Migration Centre (GMC) каби халқаро ташкилотлар томонидан миграцион жараёнларни ўрганишга қаратилган тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Республикамизда самарали миграция сиёсати, ташқи миграция жараёнлари билан боғлиқ шароитларни такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилиб, қатор мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Миграция муаммосини оқилона ва рационал ҳал этишнинг давлат сиёсатидаги роли ҳамда аҳамиятини ошириш, миграция жараёнларини халқаро хусусий тартибга солувчи икки томонлама ва кўп томонлама шартномалар тузиш, халқаро конвенцияларни ратификация қилиш, мигрантларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида кенг кўламли тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Бу, энг аввало, Меҳнат мигрантлари билан ишлаш соҳасидаги дипломатик ваколатхоналарнинг асосий фаолият йўналишлари, чет элда Ўзбекистон фуқароларининг шахсий хавфсизлигини таъминлаш ва уларнинг ижтимоий ҳимояси бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш[1] тамойили орқали ушбу соҳанинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаб берилиши уни ҳар томонлама тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этишидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш

[1]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ–4947-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли, 2019 йил 17 январдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-5635-сонли, 2017 йил 24 майдаги «Бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш ва меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5052-сонли Фармони, 2019 йил 5 мартдаги «2019 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича давлат буюртмаси тўғрисида»ги ПҚ-4227-сонли, 2018 йил 14 июлдаги «Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3856-сонли Қарорлари, Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида»ги Қонуни ва мавзуга оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва либераллаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистонни барқарор ва изчил ривожлантириш, миграция жараёнларига оид концептуал, стратегик ғоялари тадқиқотнинг илмий-методологик асоси бўлиб хизмат қилади[2].

Миграция жараёнларининг жамият сиёсий-ижтимоий барқарорлигига таъсири, шунингдек, бу борадаги халқаро ва хорижий давлатларнинг тажрибаси мамлакатимизда мустақил тадқиқот объекти сифатида етарли даражада ўрганилмаган. Глобаллашув жараёнида миграциянинг ортиб бориши ва Германияда иммиграцияга қарши сиёсий ҳаракатлар, партиялар фаолиятига бағишланган илмий тадқиқотларни қуйидаги гуруҳларга ажратиб, таҳлил қилиш мумкин.

Биринчи гуруҳга глобаллашув шароитида халқаро миграциянинг янада ортиб бориши, миграция жараёнларининг келиб чиқиш сабаблари ва ривожланиш босқичларига бағишланган назарий ҳамда амалий тадқиқот ишларини киритиш мумкин. Жумладан, Ж.Мангалам, Э.Ли, Ж.Харрис, М.Торадо, Г.Льюс тадқиқотлари илмий ва назарий аҳамиятга эга. Л.Ания, Р.Блекборн, С.Каслес, Ж.Миллер, Л.Поттс, Р.Эплаярд, И.Гордон, Р.Энтони, А.Арджун, Дж.Хуйсманс, Т.Хайтер, К.Чарлз, У.Суэркенз, М.Вайнер ва

[2] Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. -Тошкент: Ўзбекистон, 2016. -56 б.; Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. -Тошкент: Ўзбекистон, 2017. -48 б.; Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. -Тошкент: Ўзбекистон, 2017. -104 б.; Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. -Тошкент: Ўзбекистон, 2017. -488 б.

бошқаларнинг миграциянинг глобал аҳамият касб этиб бораётгани, халқаро миграциянинг социологик ва иқтисодий жиҳатлари, мустамлакачиликдан глобаллашувгача меҳнат миграцияси, миграциянинг трансмиллийлашуви, миграциянинг хавфсизликка, демографик жараёнларга таъсири каби тадқиқотлари муҳим ўрин тутади. И.Валлерстайн, Р.Фитч, А.Франк, С.Амин, В.Иноземцев каби олимлар ўз илмий ишларида миграция капитализм яратган бой ва камбағал давлатлар тизимидан келиб чиққан, деган назарияни илгари суришган[3]. Миграциянинг келиб чиқиш сабабларини ўрганган тадқиқотчи олимлар, хусусан, Д.Массей, Дж.Харрис ва М.Торадо, М.Пиорлар масаланинг туб сабаблари иқтисодий асосларга бориб тақалишини таъкидлашади. Неоклассик иқтисодиётга қарши чиққан назария тарафдорлари янги ишчи кучи миграция иқтисодиёти А.Порумбеску, О.Старк, Д.Блум, Д.Тсегаи, шунингдек, миграция "даромадини максималлаштиришга ҳаракат қилган рационал инсонлар" гипотезасидан келиб чиқувчи С.Бреттел, Дж.Холлифилд ва бошқаларнинг тадқиқотлари ҳам диққатга сазовордир.

Иккинчи гуруҳга Европада миграция жараёнларининг бошланиши, унинг Европа давлатлари учун аҳамияти ва оқибатлари, миграция билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий муаммоларга бағишланган тадқиқотларни киритиш мақсадга мувофиқ. Жумладан, К.Мол, Хелга де Вальк, П.Бойл, В.Робинсон, С.Каслс, Дж.Миллер, Н.Хаас, Х.Фассман, Р.Мунз, С.Бонифиази, Р.Хансен, Л.Виттенберг ва бошқаларнинг тадқиқотларида Европада миграциянинг тарихий ривожланиш босқичлари тадқиқ этилган. С.Лаванекс, Г.Лахав, Т.Хаттон, М.Мартиниэлло, В.Маас каби тадқиқотчилар Европа давлатларининг миграция, иммиграция ва қочоқлар борасидаги миллий ҳамда минтақавий сиёсатига бағишланган кенг кўламдаги ишларни олиб боришди.

Учинчи гуруҳга Европа, шунингдек, Германияда миграция, иммиграцияга қарши, кўп маданиятли бир жамиятда ирқчилик, ксенофобиянинг пайдо бўлиши ва кучайиб бораётгани таҳлил қилинган илмий тадқиқотларни киритиш мумкин. Бу йўналишдаги тадқиқотлар Дж.Ворстер, М.Реисигл, Р.Водак, С.Мастер, К.Майкл, Ли Рой, Ф.Хажо, М.Кас, К.Карделли, Т.Борнанд ва бошқаларнинг илмий ишларида ёритиб берилган. Шунингдек, Европа, айниқса, Германияда сўнгги пайтларда халқ орасида обрў-эътибор қозонаётган ўта ўнг (Far Right) сиёсий партияларнинг ҳокимиятга келиши борасидаги масалалар Дж.А.Филлип, М.Кас, Э.Роджер, Р.Водак, М.Куинт, Ш.Берман, Раду-Владимир Раута, Б.Хафенегер, С.Свен, К.Карл Бернинг ва бошқаларнинг ишларида кенг ёритилгани билан диққатга сазовордир[4].

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда миграция жараёнлари ижтимоий-гуманитар фанлар доирасида К.Каланов, Э.Ртвеладзе, Р.Мадалиева,

---

[3] Immanuel Wallerstein, The Modern World-System: Capitalist Agriculture and the Origins of the European World-Economy in the Sixteenth Century. New York: Academic Press, 1976; Immanuel Wallerstein, The Essential Wallerstein, New York, The New Press, 2000; Robert Fitch, Immanuel Wallerstein's Planet. Logos. Anales Del Seminario de Metafísica [Universidad Complutense de Madrid, España] 1 (1):61-80, 2002; Frank A.G. Crisis in The Third World, London: Heineman. 1981; Samir Amin, The Liberal Virus – Permanent war and the Americanization of the World. Monthly Review Press, 2004. Иноземцев В.Л. Глобализация и неравенство: что – причина, что – следствие? Россия в глобальной политике, № 1, с.158-175, 2003.

[4] Мазкур олимларнинг тадқиқотлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

Т.Саитбаев, Н.Қурбонов, А.Расулов, Ф.Пармонов ва бошқалар илмий ишларида муайян даражада таҳлил қилинган.

Миграция мавзусини Ўзбекистон шароитида тадқиқ этишга қаратилган бир қатор илмий мақола ва монографиялар социолог, тарихчи, сиёсатшунос, иқтисодчи тадқиқотчилар томонидан хориж ҳамда маҳаллий илмий нашрларда эълон қилинган. Шунингдек, Ф.Парманов ва Д.Джунайдуллаевларнинг диссертацияларида социологик ва иқтисодий жиҳатдан тадқиқ этилган.

Юқорида номлари келтирилган олимлар томонидан миграцион жараёнларнинг назарий ва амалий йўналишлари борасида муайян натижаларга эришилган. Бироқ, ушбу олимларнинг ишларида айнан миграциянинг жамият барқарорлигига таъсири масаласига комплекс ёндашилмаган. Шу сабабли ушбу масалани комплекс тадқиқ этишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети “Демократик давлат қуриш назарияси ва амалиёти” кафедраси илмий тадқиқот ишлари режасининг “Ўзбекистоннинг миграция соҳасидаги сиёсати ва бу борада ривожланган давлатлар сиёсий амалиёти” банди доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади замонавий сиёсий амалиётда намоён бўлаётган миграция муаммоси билан боғлиқ трансформация жараёнларини Германия мисолида тадқиқ қилиб, мамлакатимиз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда миграцияни тартибга солиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

миграция борасидаги замонавий ёндашувлар, мавжуд концепцияларни қиёсий таҳлил этиш;

глобаллашув шароитида турли таъсирларнинг кучайиши натижасида рўй бераётган миграция ҳодисасидаги етакчи тенденцияларни асослаш;

халқаро ва минтақавий ҳуқуқларда мигрантларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳамда мақомини ўрганиш, бу борада қонунчиликдаги мавжуд камчилик ва муаммоларни тавсифлаш;

Европада миграция жараёнларининг бошланиш тарихи, бугунги кунда қочоқлар оқимининг кучайиб бориши ва минтақа давлатларининг олиб бораётган миграция сиёсатининг муҳим хусусиятларини таҳлил қилиш;

Германиянинг миграция муаммосига ёндашуви ва миграциянинг мамлакат ташқи ва ички сиёсатидаги ўрни ҳамда аҳамияти борасида илмий хулосалар ишлаб чиқиш;

Германияда мигрантлар билан боғлиқ ижтимоий-сиёсий муаммоларни, айниқса, кейинги пайтларда юз берган қочоқлар муаммосини таҳлил қилиш;

Германияда мигрантларга қарши ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар натижасида ташкилотларнинг пайдо бўлиши, уларнинг мақсад ва муваффақиятларини таъминлаган омилларни таҳлил қилиш орқали миграция ҳодисасининг умумсоциологик қонуниятларига доир хулосаларни асослаш.

Тадқиқотнинг объектини миграция жараёнларининг замонавий ҳолати ва унинг жамият ижтимоий-сиёсий амалиётига таъсири билан боғлиқ муаммолар ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети миграция жараёнларининг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни ва таъсири, иммиграцияга қарши ҳаракатларнинг кучайиш сабаблари ва оқибатларини (Германия мисолида) тадқиқ этишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотни олиб боришда тарихий, тизимли-тузилмавий, институционал таҳлил, сиёсий жараёнларни моделлаштириш, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, статистик маълумотлар таҳлили каби усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

миграция ҳодисасининг сиёсий барқарорлик омилига таъсири билан боғлиқ замонавий концепциялар компаравистик нуқтаи назардан ўрганилган ҳамда бугунги мураккаб ва зиддиятли даврда кўпчилик инсонлар учун мажбурий миграция глобал таҳдидларнинг салбий оқибати эканлиги, яъни “сўнгги чора” бўлиб қолаётгани илмий асосланган;

замонавий миграция жараёнлари билан боғлиқ муаммолар ечимига қаратилган самарали миграция сиёсатини амалга оширишга доир илмий хулосалар ишлаб чиқилган ҳамда «умумжаҳон миграция сиёсати» тушунчасининг таърифи ментал хусусиятлар асосида такомиллаштирилган;

глобаллашувнинг мигрантлар юборувчи ва қабул қилувчи мамлакатлар ижтимоий ҳаётига ўзига хос тарзда, яъни конструктив ва деструктив таъсир кўрсатаётгани илмий асосланган;

ижтимоий-сиёсий, иқтисодий барқарорликни таъминлаш, аҳолининг турмуш даражасини мунтазам ошириб бориш йўлидаги давлатнинг превентив сиёсати мажбурий миграциянинг олдини олувчи асосий омиллардан бири эканлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

миграция жараёнларининг келиб чиқиш сабаблари, тарихий ва замонавий босқичлари, миграциянинг глобаллашув даврида янада ортиши, миграция жараёнлари билан бирга турли ижобий ва салбий ўзгаришлар назарий-методологик жиҳатдан тадқиқ этилди;

миграция ва қочоқлар билан боғлиқ мавжуд халқаро ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни ўрганиш асосида мавжуд камчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиб, бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш бўйича асосланган таклифлар берилди;

Европада миграция жараёнларининг тарихий ривожланиш босқичлари ва бугунги даврнинг ўзига хосликларини таҳлил қилиш натижасида миграция муаммосининг минтақа барқарорлигига таъсири ўрганилди ҳамда жамиятда кўпмаданиятлилик ёки иммигрантларга қарши иркчи, ксенофобия ва радикал ҳаракатларнинг кучайиши ва уларнинг янада ривожланиб кетмаслиги юзасидан амалий тавсиялар ишлаб чиқилди;

Германияда миграция жараёнларини тартибга солиш бўйича режали ва назоратли миграция тизимини йўлга қўйиш, мамлакатдаги иммигрантларнинг

жамиятга интеграциялашувини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ишлардаги камчилик ва муаммолар илмий асосланиб, таклиф ва тавсиялар берилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда халқаро миллий қонунчилик нормалари, ривожланган давлатларнинг иш тажрибаси ҳамда улардаги статистик маълумотлар таҳлил қилиниб, натижалар умумлаштирилган ва тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Ушбу тадқиқот халқаро миграция жараёнларини тартибга солишнинг назарий асосларини ривожлантиришга, мамлакатимизда миграцияга оид халқаро қонунларни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга хизмат қилади. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан келгуси илмий фаолиятда, миграция соҳасидаги миллий қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда сиёсатшунослик, социология, конфликтология фанларини илмий-назарий жиҳатдан бойитишга хизмат қилади. Тадқиқот натижаларидан янги илмий тадқиқотлар олиб боришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қонун ижодкорлиги фаолиятида, хусусан, миграция соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тайёрлаш, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш жараёнида ҳамда олий таълим муассасаларида миграция соҳасидаги фанларни ўқитишда қўлланма бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ҳозирги замон миграцион жараёнларнинг жамият барқарорлигига таъсирини Германия Федератив Республикаси мисолида ўрганиш юзасидан ишлаб чиқилган амалий таклиф ва тадқиқот натижалари асосида:

миграция тўғрисидаги мавжуд халқаро қонунчиликни таҳлил қилиш, миграция билан боғлиқ сиёсий-ижтимоий муаммоларнинг таҳлили, миграция ҳодисаси ва унинг сиёсий барқарорлик омилига таъсири билан боғлиқ замонавий концепцияларнинг компаравистик таҳлили ҳамда мажбурий миграция глобал таҳдидларнинг салбий оқибати тўғрисидаги илмий хулосалар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакил (Омбудсман)нинг қонун ижодкорлиги, халқаро ҳамкорлик ҳамда тарғибот-ташвиқот йўналишидаги фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакил (Омбудсман)нинг 2019 йил 26 апрелдаги 01-07/124-сонли далолатномаси). Мазкур хулосалар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакил (Омбудсман) ва Россия Омбудсманлари ўртасида имзоланган “Ўзаро ҳамкорлик тўғрисида” Меморандум матнини тайёрлашда ҳамда ишлаб чиқишда фойдаланилган;

глобаллашув шароитида миграция ва мобилликнинг ортиб бориши, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий барқарорликни таъминлаш, аҳолининг турмуш даражасини мунтазам ошириб бориш йўлидаги давлатнинг превентив сиёсати мажбурий миграциянинг олдини олувчи асосий омиллардан бири эканлиги

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги фаолиятига доир қонун ҳужжатлари лойиҳалари ва ҳисоботларни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2019 йил 12 февралдаги 01/00-04/11-1085-сонли маълумотномаси). Ушбу таклиф ва тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги фаолияти самарадорлигини ошириш имконини берган;

замонавий миграция жараёнлари билан боғлиқ муаммолар ечимига оид самарали миграция сиёсатини амалга ошириш ҳамда умумжаҳон миграция сиёсатига доир илмий хулосалар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар бўйича қўмитасининг қонун ижодкорлиги, яъни Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида”ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар бўйича қўмитасининг 2019 йил 25 январдаги 04/3-01-ТШМ-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифлар миграция ҳодисасининг позитив асосларини яратиш бўйича Германия давлати амалиётидаги тажрибалар борасида янги ғоя ва таклифлар ишлаб чиқишга хизмат қилган;

давлатлар учун халқаро ҳуқуқий ҳамкорликни кўчайтириш, шу асосда, жараённи бошқариш заруратининг ошганлиги, глобаллашувнинг мигрантлар юборувчи ва қабул қилувчи мамлакатлар ижтимоий ҳаётига муайян даражада ижобий ҳамда салбий таъсир кўрсатаётгани юзасидан олиб борилган тадқиқот натижалари, хулоса ва амалий тавсияларидан Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги меҳнат миграцияси соҳасидаги халқаро ҳамкорлик лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, назорат-таҳлил йўналишидаги фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2019 йил 12 февралдаги 01/00-04/11-1085-сонли маълумотномаси). Режали ва назоратли миграция тизимини йўлга қўйиш, мамлакатдаги иммигрантларнинг жамиятга адаптациясини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ишлардаги муаммоларни бартараф этишга қаратилган янги ғоя ва таклифлар ишлаб чиқиш имкониятини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий анжуманда, жумладан, 2 та халқаро, 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр эттирилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 142 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисми (докторлик диссертацияси аннотацияси)да тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, тадқиқ усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг **«Ҳозирги замон миграцион жараёнларнинг ҳолати ва назарий жиҳатлари»** деб номланган биринчи бобида сиёсат назариясида миграция борасидаги замонавий ёндашувлар, глобаллашув шароитида миграциянинг кучайиш сабаб ва оқибатлари, халқаро ҳамда минтақавий ҳуқуқларда мигрантларнинг мақоми, ҳақ-ҳуқуқлари таҳлил қилинган.

Мазкур бобда халқаро миграция, унинг категориялари, «миграция» тушунчаси ва унинг ҳуқуқий табиати, «иқтисодий миграция», «мажбурий миграция», «трансмиллий миграция» каби бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган илмий категорияларнинг мазмун-моҳияти, умумий ҳамда фарқли жиҳатлари, шунингдек, уларнинг миллий ва халқаро ҳужжатларда вужудга келиш тенденциялари очиб берилган. «Миграция» тушунчаси, миграция жараёнларига нисбатан хорижий эксперт ва олимлар (Ж.Ж.Мангалам – *мобиллик (mobility) назарияси*, А.Ричмонд – *проактив (назоратли ҳаракат), мажбурий миграцияни реактив (реакция берувчи) назарияси,* Ж.Харрис, М.Тодаро – *классик иқтисодий ёндашув*, И.Валлерстайн, Р.Фитч, Г.Франк – *қарамлилик назарияси (dependency theory),* Р.Женниссен *сабаб-натижа занжирлари ёндашуви назарияси,* М.Пиоре – *икки томонлама меҳнат бозори назариясидир (dual-labor-market) назарияси,* С.Оберг – *қаттиқ ва юмшоқ омиллар назарияси,* С.Шмайдл – *қочоқларнинг олдини олиш дипломатияси ва олдиндан хабар беришга асосланган назария,* Л.Хантер – *қиймат-тахминлар (Value-Expectations, қисқача V-E) назарияси,* Ж.Волперт – *миграция ва экологик фалокатлар орасидаги алоқа тушкунлик эшиги модели,* А.Спир - *“мамнуниятсизлик эшиги” назарияси,* Д.Масси – *ижтимоий тармоқлар назарияси, кумулятив сабаб-натижа назарияси,* В.Зелинский –*миграция ўтиши концепцияси (“мобильний переход”),* М.Хугк – *миграция жараёнларини гуруҳларга ажратган назарияси,* С.Каселс, М.Миллер, Э.С.Ли, Ф.Дуювел, В.Иноземцев) ҳамда маҳаллий олимлар (Ф.Пармонов, К.Калонов ва бошқалар) томонидан билдирилган фикрларни таҳлил қилиш орқали миграция ҳодисасининг давлатлар сиёсий тизимида тутган ўрни ва уларнинг категориялари юзасидан аниқ тавсия ҳамда таклифлар ишлаб чиқилган.

Динамик жараён сифатида ошиб борувчи миграцияга оид назарияларни таҳлил қилиш давомида у ҳақда якдил фикр шаклланмаганлиги ва ягона назариянинг мавжуд эмаслиги аниқланган.

Шунингдек, бобда халқаро миграция глобаллашув жараёнида ўз кўриниши ва характерини ўзгартираётгани асосланиб, миграция жараёнларини ҳар бир давлат ўз сиёсий-ҳуқуқий табиатига кўра тарафларнинг тенглиги, мустақиллиги, миграциянинг жаҳон миқёсида тенг ривожланишини таъминлаши мукинлиги, шунингдек, қолоқ давлатлар аҳолисини миграция орқали ижтимоий-иқтисодий яхшилашга таъсир кўрсатиши исботланган ҳолда ушбу жараёнда “ақл миграцияси”ига йўл қўймаслик лозимлиги далилланган.

Ҳозирги кунга қадар миграция борасида билдирилган концептуал хулосалар, асосан, миграция ҳодисасининг келиб чиқиш сабабларига бағишланган. Шу билан бир қаторда, сиёсат назариясида умумжаҳон миграция жараёнларида сиёсий миграцияга сабаб бўлаётган омиллар сони XX асрнинг сўнгги ва XXI асрнинг дастлабки ўн йилликларида ортиб бораётгани халқаро миқёсдаги тадқиқотлар асосида батафсил таҳлил этилган.

2010-2018 йилларда Яқин Шарқдаги сиёсий инқирозлар оқибатида дунёда қочоқлар сони янада ортди. Бунда, айниқса, Европа давлатлари, яъни уларга қараб келаётган қочоқлардан ташвишга тушди. Бугунги кунда Европа давлатларининг асосий ташвиши қочоқлар ва мигрантлар оқимини имкон қадар тўхтатиш бўлиб қолмоқда. Бироқ миграция глобал миқёсда ўсиб борар экан, унга нисбатан ҳам умумий ёндашиш зарур бўлади. Яъни, миграция ижобий тенденциями ёки салбий ҳодисами? Албатта, иккиси ҳам бўлиши мумкин, бироқ қайси бири кўпроқ аҳамиятга эга, деган баҳсталаб масалалар айни мавзуда тадқиқотлар олиб боришни тақозо этиши асосланган.

Диссертацияда мигрантларнинг халқаро ва минтақавий ҳуқуқлари борасидаги қонунчилик мазмунан таҳлил қилинган. Глобал даражада давлатларнинг миграция сиёсатини оптималлаштириш ва такомиллаштириш лозимлиги, дунё мамлакатлари молиявий, ижтимоий-иқтисодий, таълим ва соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларда кун сайин интеграциялашиб борар экан, миграциянинг ҳам ўсиб бориши, ҳар қандай ҳолатда ҳам миграция ҳамда глобаллашув бир-бирини таъқиб қилишда давом этувчи жараён бўлиб қолиши қайд этилган.

Халқаро миграция жараёнларини тартибга солиш бўйича хорижий мутахассисларнинг қарашларини таҳлил қилиш, шунингдек, халқаро миграция ва мигрантлар борасидаги БМТ резолюциялари, Халқаро миграция ташкилотининг конвенцияларига асосланган ҳолда келажакда миграциядан ижобий мақсадларда фойдаланиш учун миграция борасида халқаро ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш юзасидан прогнозлар илгари сурилган.

Диссертацияда миграция жараёнлари бугунги кунда глобал даражадаги муаммолар қаторидан ўрин олган бўлишига қарамасдан халқаро ҳамжамият томонидан самарали умумжаҳон миграция сиёсати ва уни амалга ошириш принциплари бўйича ягона келишувга эришилмаган, деган хулосага келинган. Тадқиқотнинг ушбу қисмида мигрантларнинг ҳақ-ҳуқуқларига оид халқаро миқёсда қабул қилинган конвенцияларни мигрант қабул қилувчи ва жўнатувчи давлатлар ҳам тенг қабул қилиши ҳамда тан олиши лозимлиги асосланган.

Миграциядан ижобий мақсадларда максимал фойдаланиш миграция борасида халқаро меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш даражаси билан

ўлчанади. Жумладан, бугунги кунгача қабул қилинган миграция борасидаги асосий ҳужжатлар – Халқаро Меҳнат Ташкилотининг 97 ва 143-сонли конвенциялари ва БМТнинг “Барча ишчи-мигрантлар ва улар оила аъзоларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги халқаро Конвенция оз миқдордаги, асосан, мигрант жўнатувчи давлатлар томонидан имзоланган. Албатта, бу конвенциялар чет элдаги фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилади. Бошқа томондан, бу иш берувчи давлатларнинг миграцияга нисбатан хоҳиши йўқлигини кўрсатади. Халқаро конвенция ёки протоколлар, жумладан, “Ноқонуний миграцияга қарши кураш”, “Одам савдосига қарши кураш” каби протоколлар кўпчилик томонидан қўллаб-қувватланган. Бу мигрант юборувчи ва мигрант қабул қилувчи давлат учун ҳам аҳамиятли (инсон ҳуқуқларини бузилмаслиги нуқтаи назардан) бўлсада, моҳиятан ноқонуний йўллар билан миграция кириб боришнинг олдини олишга қаратилган.

Диссертациянинг «**Жамият тинчлик ва барқарорлигига халқаро миграциянинг таъсири**» деб номланган иккинчи бобида миграция мамлакатнинг сиёсий ҳаётига таъсир кўрсатадиган аҳолининг кўчиши билан боғлиқ бўлган ижтимоий жараён сифатида Германия Федератив Республикаси ва Европа Иттифоқи давлатларининг ушбу соҳадаги ижобий тажрибаси, шунингдек, сиёсий-ижтимоий муаммоларнинг пайдо бўлиши ҳамда ривожланиши таҳлил қилинган.

Мазкур бобда тадқиқот иши доирасида айрим давлатлар (ГФР, АҚШ, Греция, Франция) мигрантлар билан боғлиқ муаммоларнинг сиёсийлашуви, улар келтириб чиқараётган муаммолар, ушбу давлатларда турли йўллар билан кириб келаётган мигрантлар ҳисобига ишсизлик даражасининг йилдан-йилга ортиб боришига сабаб бўлаётгани, ўз жамиятидан узоқлашиши макон ва замон нуқтаи назаридан шахсни мутлақо ўзгариши, ҳатто, ўз жамияти учун бегоналашувига олиб келиши мумкинлиги, бошқа томондан, ўз жамиятининг қадриятларини, анъаналарини, тилини сақлаб қолишга уриниш ва ҳаракатлар у борган жойдаги жамият учун бегоналиги, ушбу аксиома жамиятда турли ижтимоий-сиёсий муаммоларни ўзида мужассам этиши ва вужудга келтириши қайд этилган. Шунингдек, халқаро миграция глобаллашув даврида ишчи кучи учун янги трансчегаравий имкониятларни очадиган йирик иқтисодий интеграция тенденцияси билан янги босқичга ўтди, деб ҳисобланади. Тадқиқотда Ю.Ефимов, Д.Слизовский, Б.Хорев, В.Ионцев, В.Мукомель каби олимларнинг миграцияга сиёсий нуқтаи назардан билдирган фикрлари таҳлил қилинган.

Жумладан, Ю.Г.Ефимов “Сиёсий маънода миграция – аҳоли ёки унинг бир қисмини мамлакат ёки чегарадан ташқарига узоқ вақтга ижтимоий кўчиш таъсири остида минтақа ёхуд давлат сиёсий реалликларининг ўзгариши”,[5] - деб таъриф беради. Шу билан бир қаторда, Д.Е.Слизовский ҳам “Сиёсий нуқтаи назардан, миграция ва сиёсий миграциянинг ҳамма кўринишларига, турли хил даражада бўлсада, сиёсий ҳаракат сифатида қараш мумкин. Миграция фақат сиёсий ҳаракат сифатида, биринчидан, ҳар қандай шароитда мустақил деб эмас,

[5] Ефимов Ю.Г.Политическая миграциология: миграционные процессы в контексте политологических проблем/Ю.Г. Ефимов. -М., АНМИ, 2005. – С 62.

балки сиёсат воситаси сифатида қарашимиз мумкин; фақат шундай тушунча билан миграция тарихига фикрларимиз зид келмаслиги мумкин. Иккинчидан, айнан шундай дунёқараш миграция турлари ва кўринишларини кўрсатиб бера олади”,[6] деган фикрни илгари суради.

Глобаллашув шароитида жамиятлар олдида ўз қадриятларини, анъаналарини сақлаб қолиш ва миграция билан бирга кириб келувчи турли таҳдидларнинг олдини олиш муаммолари билан қарама-қарши қолаётган бўлса, бошқа томондан, малакали ишчи кучининг етишмаслиги, демографик пасайиш каби ҳолатлар мигрантларга бўлган эҳтиёжни ҳам орттираётгани, шу билан бирга, мигрант юборувчи жамиятлар ўз халқини ушлаб туришга ожиз қолаётгани, миграция туфайли малакали кадрлар мамлакатдан чиқиб кетиш сабаб ва оқибатлари изоҳланган. Шунинг учун чиқиб кетувчи ва кириб келувчи мигрантлар ҳар доим режали ва назоратли бўлиши мақсадга мувофиқ, деган хулосага келинган.

Умуман олганда, миграция жараёни инсонларнинг ҳудудий ҳаракатлари натижасида юзага келадиган, “жўнатувчи” ва “қабул қилувчи” жамиятнинг барча соҳаларида ривожланиш динамикасини белгилайдиган иккиёқлама хусусиятга эга сиёсий жараённинг бир қисмидир; миграция жараёнлари субъектларининг фаолияти (мигрантлар) оммавий бўлиб, уларнинг манфаатлари сиёсий чоралар орқали ҳал қилиниши керак, деган хулосага келинган. Аҳоли маълум қисмининг жўнаб кетиши натижасида мигрант жўнатган давлатда қуйидаги сиёсий-ижтимоий муаммолар пайдо бўлиши ва ривожланиши мумкин:

- ишчи кучининг камайиши, қишлоқ жойларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, шаҳарларда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг камайиши ва ривожланишнинг секинлашувига олиб келади;
- “ақл миграцияси” натижасида малакали кадрларнинг кетиб қолиши ва унга бўлган эҳтиёжнинг ортиши;
- турли касалликларнинг кириб келиши ва кўпайиши;
- одам савдоси қурбонига айланиши, турли терорристик ва экстремистик ташкилотларга кириб кетиш ҳолатлари ва бошқалар.

Кўриниб турибдики, миграция фойда келтириши билан бир қаторда мигрант жўнатувчи ва уни қабул қилувчи давлат учун ҳам бир қанча сиёсий-ижтимоий муаммоларни келтириб чиқариши ҳамда ривожлантириши мумкин.

Шу билан бирга, ушбу бобда ГФР, Франция, АҚШ, Италия ва бошқа бир қатор давлатлар томонидан қонуний миграция сиёсатини амалга оширишга эътибор қаратиш, ушбу жараёндан ижобий манфаат олиш механизмларини ишга солиш орқали миграция ҳодисасини юқори даражада позитив ҳодисага айлантириш вазифаларининг изчил ҳал этилиши лозимлиги қайд этилиб, ҳозирги мураккаб ва зиддиятли даврда кўпчилик инсонлар учун мажбурий миграция “сўнгги чора” сифатида қабул қилиниб, глобал таҳдидларнинг оқибати, деган хулосага келинди. Шунингдек, ҳозирги давр реалликларидан келиб чиқиб,

[6] Слизовский Д. Е. Национальная безопасность и миграционные процессы: концептуальные аспекты проблемы // Приоритетные направления стратегии национальной безопасности Российской Федерации. Коллективная монография.- Ростов н/Д.: Изд-во СКАГС, 2011. – С. 672.

“умумжаҳон миграция” сиёсати тушунчасини ҳам бугунги кунда янгича таърифлаш ва талқин қилиш вақти етганлиги таъкидланган.

Тадқиқотда “совуқ уруш”нинг тугаши ва глобаллашувнинг авжига чиқиши, турли мамлакатлар аҳолисининг мобиллигини ҳам ривожлантиргани, Европанинг ҳам иқтисодий ўсишини таъминлаш, глобализация туфайли арзон ишчи кучига эга бўлган давлатларга чиқиб кетаётган йирик компаниялар манфаатларини қондириш чора-тадбирлари давлат сиёсати даражасига кўтарилгани, айни пайтда, Европа, жумладан, Германия мигрантлар оқими туфайли турли субмаданиятлар тўқнашуви билан боғлиқ муаммоларга дуч келаётгани, Европа жамиятида, хусусан, ГФР ҳудудида ривожланаётган ўнг радикал ҳаракатларнинг муваффақиятига сабаб бўлаётган омиллар таҳлил қилинган. Шунингдек, радикаллашган сиёсий ҳаракатлар жамиятда ўз маданиятини сақлаб қолиш ва ҳимоя қилиш тарафдорларининг кучайиб бораётгани, Европанинг айрим давлатларида миллатчилик ғояларининг шаклланиш тенденцияси кузатилаётгани кўрсатиб ўтилган.

Германия давлатида бугунги кунда рўй бераётган миграция ҳодисасининг сиёсийлашуви ҳамда ушбу жараёнларнинг мамлакат сиёсий тизими, жумладан, ҳокимиятнинг амал қилиш принципларига таъсири билан боғлиқ тажрибаларни ўрганиш миграциянинг замонавий муаммоларини ҳал этиш нуқтаи назаридан муҳим аҳамиятга эгалиги, мигрантлар оқимининг тезлашуви билан иркчилик, ксенофобия каби салбий ҳолатлар кучайишининг олдини олиш, бартараф этишга самарали хизмат қилувчи либерал демократик сиёсатни концептуаллаштириш ва амалга ошириш муаммоси долзарб аҳамият касб этаётгани таъкидланган.

Европада миграциянинг сиёсийлашувига қуйидаги омиллар сабаб бўлган дейиш мумкин:

биринчидан, Европа жамияти учун миграция маданий жиҳатдан муаммо бўлиб кўринмоқда. Бу ҳақда шарқшунос олим Бернард Луюс “Европа бора-бора Араб Мағрибига айланади”, деб таъкидлаган эди. Бу масала Европада ҳар доим баҳсли мавзулардан биридир. Масалан, ислом ва бошқа маданиятлар қаршиси бўлган PEGIDA (“Ғарбнинг исломлашишига қарши юртсевар европаликлар”) ташкилоти ҳам 2014 йилда юзага чиқди, бунга Германияда курдлар билан туркларнинг кўчадаги жанжаллари сабаб бўлган эди. PEGIDAга қўшилганлар Яқин Шарқнинг “ҳавоси” уларгача етиб борганидан ташвишланаётганини билдирган эдилар;

